

ЖАДИД НАВОИЙШУНОСЛИГИ ВА ИЖОДИЙ АНЪАНАЛАР

Назарова Шаҳноза,

*филология фанлари доктори, ЎзР ФА
Алишер Навоий номидаги давлат
адабиёт музейи етакчи илмий ходими*

Ушбу мақолада биз ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг шаклланинг омиллари, ички даврий бўлинишлари, авлодлар занжири ҳақида 1914-1922 йилларда Тошкентда нашр этилган тошбосма ҳамда босма нашрлар қиёси орқали жавоб берамиз. Маърифатпарварлик, тараққийпарварлик ва янги давр ўзбек шеъриятида девончилик анъаналарининг давом этиши, Навоийга издошлик масаласи, давр танқидчилигининг Навоий меросига муносабати таҳлилга тортилади. Фитрат асос солган “Чигатой гурунги” ташкилотининг бош ғояси Темур ва Навоий сиймосини тиклаш бўлганлиги тўғрисидаги ўз хулосаларимизни баён этамиз.

Жадид адабиёти 1905-1929 йилларда пайдо бўлди, юксалди ва тугалланди (1926 йилда советлар жадидларга қарши кенг кўламда кураш бошлади ва 1929 йилдан зиёлиларни маънан фалаж қилиш ва жисмонан йўқ қилиш дастури ишга тушди). Аммо бу жараёнда мумтоз адабиёт анъаналаридан узоқлашмаслик, Навоий сиймосини қайта тиклаш жараёни давом этди. Гарчи бугунга қадар маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик адабиётида мумтоз поэтика масалари ўрганилган бўлсада, янги давр ўзбек шеърида адабий ворислик, хусусан, Навоийга муносабат масаласи алоҳида тадқиқ этилмаган.

Маърифатпарварлик даври адабиёти янгиланиш даври адабиёти бўлса-да, унинг илк босқичида ҳали Хива, Бухоро, Кўкон адабий муҳити чегаралари мустаҳкам, анъанавийлик ва ворисликнинг таъсири ҳали ҳам кучли, натижада, услуби бир-бирига ўхшаш ижодкорлар авлоди етишиб чиққан эди. Самарқанд ва марказ сифатида Тошкентда ҳам адабий-маданий муҳит яратилганди. Девон адабиётида шеърият асосий ўринни эгаллар, аруз ўз кучини сақлаб турган ва мумтоз поэтик жанрлар ҳамда шакллар фаол қўлланар, янги жанр сифатида биргина саёҳатнома пайдо бўлганди. Девон тузиш анъанасига қатъий амал қилинар (ғазал, рубоий, туюқ тарзида тартиблаш), салафларга татаббулар ёзиш маҳорат мезони саналарди. Салафлар ўрнида аксаран Навоий, Жомий, Фузулий, Бедил, Мунис, Огаҳий, Ҳувайдо кадрларди. Ишқ мавзуси етакчилик қилар, диний-тасаввуфий шеърлар кўплаб яратилар, ислом маърифати шеърият орқали етказиб бериларди. Иккинчи томондан ҳажвиёт ривож топмоқда эди. Ижтимоий лирика илм кишиларининг ночор аҳволи, хуррият ва ислоҳ ҳақида сўзларди. Аммо унинг ифода услуби тўла янгиланмаган эди.

Хивада Комил Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Аҳмад Табибий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Муҳаммад Юсуф Чокар, Аваз Ўтар каби маърифатпарвар ижодкорлар ўзларида ўзи мансуб давр ва муҳитни тўла акс этирарди. Сарой адабий муҳитни бошқарар, мажмуа, тазкира ва баёзларга зўр бериларди. Бухорода Абдулқодир Савдо, Аҳмад Дониш, Жонмуҳаммад Жоний, Шамсиддин Шоҳин, Мирзо Саҳбо айнаи вазифани бажарар, Садриддин Айний ва Фитратлар учун замин ҳозирларди. Қўқон адабий муҳити Муқимий, Фурқат, Нисбатий, Муҳаййир, Муҳйи, Хўжахонхўжа Рожий, Дилшод Отин, Нодим Намангоний, Завқий, Ҳазиний, Анбар Отин, Ибрат каби кўплаб ижодлар етовида борарди. Қўқон маърифатпарварлари ҳам анъаналарга содиқликни сақлаган, анъанавий эпик кўламга яқин дostonлар (Умидий Ҳавойининг “Мактубчаи хон”, “Жангнома” каби) яратилаётган бўлса-да, мазмун ва шаклдаги илк янгиланиш айнан уларда кузатилади. Маълумки, давр нафаси ва унинг таҳлили, ҳажвнинг кучая бориши бевосита Муқимий, Фурқат номи билан боғлиқ. Қўқон ва Тошкент адабий мактаблари ўртасидаги мулоқот кенгрок йўлга қўйилган эди.

Самарқандда Сиддиқий Ажзий, Саидахмад Васлий, Очилдимурод Мирий; Тошкентда Алмай, Камий, Саидрасул Азизий, Мискин, Хислат; шунингдек, мутасаввиф шоирлардан Юсуф Сарёмий янги адабиётни йўргаклашга ҳозир эди. Айнан улар асос солган янгича маърифатпарварлик йўналиши рус ва ғарб адабиётидан таржималар қилишни бошлаб берди.

Энг муҳим жиҳат шундаки, Маърифатпарварлик адабиёти ва унинг адабий мактаблари салафлари каби Навоийни пир билар, бадий юксакликнинг мезонини Навоий даҳосига қанчалар яқинлаша олганлари билан, боғлаган татаббулари ва тартиб берган девонлари билан ўлчар, таржимаи ҳоллар битилганда “Алишер Навоийнинг кичик бир шогирди” дея бошланар эди. Бу авлодга мансуб шоир Муҳаййир ёзади:

Ғар Муҳаййирнинг сўзи тутса Ажам мулкин, не тонг –
Ким, Навоий назм бобида анга устод эрур.

Маърифатпарварлар кутубхонасидаги асосий китоблар Навоий, Фузулий, Бедил девонлари бўлар, мадраса таълимида ҳам уларни ўрганишга кенг ўрин бериларди. Аммо улар Навоий меросига шакл нуқтаи назаридан кўпроқ эътибор бердиларки, бу камчилик жади́д шеърятти вакиллари томонидан тўлдирилди.

Шеърый асарларнинг китоб ҳолида нашр этилишида девон анъанасига риоя қилинар экан, шунинг баробарида бу асрий тартиб-қоидаларда ўзгаришлар юз берди. Шунингдек, баёзчилик ҳам янги босқичда давом этдики, уларнинг мавзу йўналиши бутунлай янгича эди. Айтиш мумкинки, XX аср бошлари ўзбек адабиётида тазкирачиликнинг бойиши, баёзу мажмуаларнинг яратилиши ва

айни пайтда уларнинг янгиланиши натижасида янги шакл ҳамда мазмунга эга шеърий тўпламлар пайдо бўлди.

Ўшандай шеър мажмуаларидан бири – “Миллий ашъори Таржимон” бўлиб, китобга шоир, таржимон Баҳромбек Давлатшоев ноширлик, муҳаррирлик қилган. Мажмуага “Миллий ашъори Таржимон” дур бу! Миллат ўғли армуғондур бу!” сўзлари эпиграф қилиб берилган. Таржимон “Хурматли ўқувчилар!” сарлавҳали сўзбошида “ғафлат, жаҳолат чуқурига чуқур ботдикми, бошқа шоирлар каби миллий шеърлар ёзиш билан шуғулланмас, уларни миллат учун лозим ва лобидлигини хаёлга ҳам келтирмас эдим... шунинг учун ўтмиш шоирларига тақлид қилиб, улар каби маъшуқаларнинг нозик қадларидан ёзиб юрган” дим дея иқроор келтиради. Шунингдек, унинг “Эмди ҳамдлар ўлсунки, 1905 милодий санасидан буён мусулмонлар ўртасина бир хис иштибоҳ асари кўрунуб, бул сабабли матбуот иши илгари бордиги кўрунмоқда ва адабиёт миллиямиз доира тариқига кирмоқдадур... Бул ўртада мени-да миллият томирим ҳаракатга келиб, миллий шеърлар ёзмоқга ва Ватан азизим ўлан туркистонли ўз диндошлар ғафлатиндан ва ибратсизликлариндан ва бир неча камчилик ва келишсиз ишлариндан баҳс этмоқга мажбур этди” каби изоҳлари давр шеъриясидаги янгиланишлар сабаблари, вақт нуқтаи назаридан ўзгаришлар чегарасини аниқлаб олишга имкон беради. Хулоса қилиш мумкин, 1905 йилдан миллий кайфият ўзгарган, тараққийпарварлик ғоялари матбуот ва адабиётда акс эта бошлаган, ҳар бир шоир миллат учун ўзини ҳозирлаган, миллий шеърлар миллий уйғониш ва тиклануш учун енгиб бўлмас заруратга айланган. Таржимон қофия, вазн, маъни-мазмундаги айрим камчиликлар учун ўз ўқувчиларидан узр сўрайдики, бу ҳолат ҳам ўтиш даври шеъриясига хос бўлиб, мумтоз адабиёт қонуниятларининг бузила бошири ва янги адабиётнинг тажрибалар эвазига майдонга келаётганини акс эттиради. Мажмуа басмала, ҳамд, наът, Меърож тарифи, сўнг Таржимоннинг илм-маърифатга чорловчи ғазаллари ҳамда Бедил байтларининг туркийдаги муаллиф шарҳлари кетма-кетлигида тартибланган. Шеърий қисмлар аввалида, анъанавий эпик дostonчиликда бўлгани каби, икки-уч жумла насрий изоҳ берилади. Масалан, “Миллатга ойна тутиш учун ёзилган шеър” ёки “Ўтмиш шоирлардек фалакдан шикоят тарзида ёзилган бўлса ҳам, фалокат чуқурларина итарғучи жаҳолат, ғафлат, нодонликдан шикоят асли” каби. Бу “Хамса” таркибидаги беш дoston матн структурасига хос жиҳат. Навий дostonларида бир тасвир, бир воқеликдан иккинчи бир тасвир, иккинчи бир воқеликка ўтаётганда икки-уч жумладан иборат насрий шарҳ бериб ўтилади. Муаллиф янги мақсад, янги шакл излашга интилади, аммо Навоийга хос бўлган назмий қисмларга насрий парчаларда изоҳ бериш тартибига амал қилади.

Жадид адабиёти тадқиқотчилари давр шеърляти қардош халқлар адабиёти, рус таржима адабиёти, умуман, ташқи омиллар таъсирида, янгиланди деган хулосаларни яхши кўради. Аммо тизимли таҳлиллар кўрсатадики, ўзбек шеърлятининг янгиланишида ичка омиллар бирламчи таъсирга эга, Фитрат ва Чўлпонларнинг Темур ва Навоий сиймосини тирилтишга интилганиларида муайян қонуният мавжуд.

“Ўзбек ёш шоирлари” тўпламига янги ўзбек шеърлятининг қалдирғочи дея қарасак, у кўп жиҳатдан Баҳромбек Давлатшоев тартиб берган “Миллий ашъори Таржимон”, Мунавварқори тартиблаган “Миллий шеърлар мажмуаси ёхуд адаби дин” ва “Сабзозор”, Хожи Муин нашрга таёрлаган “Янги адабиёт” баёзлари тўпламларнинг давоми эди. “Ўзбек ёш шоирлари” басмала, анъанавий ҳамд ва наът билан бошланмаса-да, Ўзбек билим ҳайъати номидан берилган сўзбошида миллий шеърлятни яратиш, унинг миллат юксалишига йўналтирилиши масаласи кўйиладики, тўла маънода Б.Давлатшоев, Мунавварқори Абдурашидхонов томонидан ёзилган сўзбошиларга пайровлик қилади: “Адабиёт бу элнинг юксалишин кўрсататурғон бир қуролдир... ўз элимиздан етишкан ёш ўзбек шоирларининг юракларидан чиқориб айтилган шеърляридан бир қанчасин тўплаб элимизнинг қаршуларинга кўйдиқ. Албатта, бундан бизнинг тутқон тилагимиз: “Шул адабиётдан элимиз пойдалансун-да ўзларининг юксалиш юлдузларин шунда ёзилғон адабиёт орқали топсун” деган бир умидгина бўлғусудур”. Бундан уч муҳим хулосага келамиз: миллат юксалиши адабиётга боғлиқ; бунда ёш миллат шоирлярига суяниш керак; эл “юксалиш юлдузи” – йўлчи юлдузини фақат миллий адабиёт орқали топиши мумкин. Жадидлар миллий адабиёт деганда мумтоз адабиёт ҳимоясини ҳам назарда тутган эдилар. Умуман, темурийлар даври адабиёти, Темур ва Навоий сиймоси – Миллий Ватан, Миллий шеър, Миллият тушунчаларининг таянч нуқтаси бўлиши керак эди. Фитрат “Юрт қайғуси” шеърлар туркумида, драмаларида Темур образини қайта яратган бўлса, илмий ва публицистик асарлярида Навоий сиймосига қайта-қайта мурожаат қилди.

Фитрат 1918 йил “Чиғатой гурунги”ни ташкил этар экан, бу тузилма 1921 йилгача ошқора фаолият юритган бўлса, ўз олдиға кўйган муҳим масалалардан бири – миллий адабиёт ва миллий ғурур тимсоли бўлган Навоий даҳосини тиклаш эди. “Гурунг” фаолияти тақиқлангандан сўнг ҳам зиёлилар 1921-1926 йилларда ташкилот Низомномаси бўйича яширин тарзда ишлашда давом этди. Навоий асарляри қўлёмаларини излаб топиш, нашрга тайёрлаш, тил хусусиятлярини ўрганиш, ўзбек адабиёти мавқеини Навоий давридагидек даражаға олиб чиқиш мақсади кўйилди.

Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан Вадуд Маҳмуд “Маориф ва ўқитғувчи” журнали 1925 йил 3-сонида “Алишер Навоий” мақоласини эълон қилди. В.Маҳмуд Навоийни “турк адабиётининг отаси” дея алқар экан, шоир таржимаи ҳоли, фаолияти, шахсияти ҳақида фикр юритар экан, ўз даври учун энг муҳим хулосани чиқаради: “Навоийнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввуфлиги, на шоирлиги, на тарих ёзғонидир. Унинг мумтозлиги шундай қайнагон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсликнинг марказида турклар муассасаларини куришидир. Навоийнинг форсга ва форс маданиятига бир душманлиги йўқдир, у тўғридан-тўғри миллатчи ва туркликни севатурғон бир шахсиятдир” [16, 17]. Муаллифнинг “Ер юзи” журнали 1925 йил 3-сонида босилган “Навоий учун” (Навоий туғилғонига 500 йил тўлиши муносаби билан) хабарномасидан ўқиймиз: “Навоийни танимагон бир ўзбек бўлмаса керак. Эскиларимиз ва эски мактабларимиз ғазаллари билан, янгиларимиз ва янги мактабларимиз суратлари ва шахсияти билан танишдирлар... Навоий турк тилини тиргизган ва чиғатой адабиёти деган бир адабий мактабнинг бу кунгача яшамоғига сабаб бўлгон бир кишидир”. Бу кичик хабарномада муаллиф усталик билан янги мактаб болалари Навоийнинг сурати ва оғзаки маълумотлар орқали қисман шахсияти ҳақидагина билишларини, бевосита асарлари мутолаасидан узилиб кетганини танқид қилади.

Мунаққид Вадуд Маҳмуд “Инқилоб” журналининг 1924 йил 11-12 сонида босилган “Турк шоири – Ажзий” сарлавҳали мақоласида аруз вазни масаласига тўхталар экан, вазн ва ритмда, яъни шаклда маърифатпарварлик адабиёти кимларга эргашгани ҳамда бунинг сабабларини шарҳлайди: “Ўзбек адабиётининг анча эски бир тарихи бордир. Бу тарихда Навоий даври, Умархон даври каби гуллаган тарихий даврлар ҳам бордир... Узун тартибсизликлар орқасида бузулган, биткан ўлкамизнинг оқибат ўлдурғувчи истибдод идораси остида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимиздаги пастланиш адабиёт тарихимизда очик сезиладир. Ҳеч бир даврда шу кунда бўлғони каби адабий пастлик кўринмагандир, десак янглишмаймиз... Турк тилида табиий назм шакли ҳижо вазнларидир. Аруз вазнининг «оҳангдор» ва «сомеънавоз» бўлиши туркларнинг-да уни қабул қилишлариға бир сабаб бўлғондир. Фақат аруз вазни ила ёзилғон назм ва шеърларда туркчанинг «талаффуз оҳангини» риюя этганлари оз учрайдир. Иккинчи сабаб эса туркларнинг Эрон маданияти таъсири остида бўлишларидир. Ҳижо вазни аввалдан бери ора-сира тузук шоирлар етишдиргандир ва ҳалигача халқ вазни бўлуб халқ ашулаларида ишлатилиб келинмақдадир. Аруз вазни эса «юксак адабиёт» учун ишлатилгандир ва шунинг учунда умумий адабий вазн ўлароқ қабул

қилинғондир... Бири шарқ турклари ёки чигатой шевасидирким, бизда асосий шева шудир ва Навоийлар, Бобирлар, Фазлийлар шу шева билан ёзғондирлар. Бошқаси ғарб турклари ёки Туркия шевасидирким, бу машхур лирик шоир Фузулий орқали бизда тарқалғондир. Кўб шоирлар бунинг орқасидан борғонлар. Бу икки шеванинг биринчиси ўзимизники бўлғони эътибори билан, иккинчиси сўйилуб ўқилғонидан бизга ёт эмасдир... Бизда Уйғониш даврига кирган кўб шоирларнинг ишқий асарларининг майдонга қўйилмағони у вақтнинг умумий руҳининг таъсири биландир. Кўб шоирларимиз «жадид» бўлиш ила эски шеърларини йиртиб, ёндируб ташлағондирлар. Холбуки, бу асарларда ҳақиқатан санъат эътибори ила қийматли нарсалар кўб бўлғондир... Бизнинг шоир эски шеърнинг шаклий жиҳатларини, ифода тарзини айнан қабул қилиб, ичига эскига тамомила қаршу бўлғон ўз руҳини, янги руҳни киргизгандир. Ажзий шевада Фузулий йўлини туткан шоирлардандир. Бу шоиримиз ҳам ошиқдир. Фақат бунинг ишқи у на тасаввуф ишқидир, на реалист шоирларнинг зоҳирий ишқидир. Шоиримиз ошиқдир, маъшук эса халқдир, миллатдир. Миллати ва халқига муҳаббати унинг ишқидир». Бундай катта кўчирма берганимизга сабаб, унда янгиланаётган давр адабиётининг жуда кўп жиҳатлари очиб берилган:

- ўзбек адабиёти ўз тарихий ўтмишига эга ва унинг энг гуллаган даври Навоий номи билан боғлиқ;

- истибдод сабаб адабиёт шу қадар пастлашдики, ҳеч бир даврда бу қадар заифлашув кузатилмаган; уни юксалтиришда Навоий ижодиётига мезон сифатида қараш зарур;

- туркий тилларда табиий назм шакли бўғинлар, яъни уларнинг сифати ва сонига кўра юзага келади; туркий халқлар шеърлятида бўғиннинг сон ва сифат белгиси вазни юзага келтирар экан, айна жиҳатга кўра аруздаги «оҳангдор» ва «сомеънавоз»лик ҳам табиий тарзда туркийлар томонидан қабул қилинган;

- арузда ижод қилган жуда оз шоирларгина аруз қолипида туриб, туркий тил «талаффуз оҳангини» сақлаб қолган;

- туркий халқларнинг Эрон маданияти таъсири остида бўлишлари кўплаб шоирларга туркий тил «талаффуз оҳанги»ни сақлаб қолишга халақит берган;

- бизда аввалдан ҳижо, яъни бармоқ вазнида яхшигина ижод қилувчи шоирлар етишиб чиққан, аммо улар жуда озчилик эди;

- фольклор намуналари, хусусан, халқ ашулалари бугунга қадар ҳижо, яъни бармоқ вазнида яратилади ва ижро этилади;

- аруз «юксак адабиёт» учун хизмат қилувчи вазн дея қаралган, қўлланилган, умумий адабий вазн сифатида қабул қилинган;

- ўзбек шоирлари икки шевада ижод қилади; бири – шарқ турклари ёки чигатой шеваси, Навоийлар, Бобирлар, Фазлийлар шу шева билан ёзган; иккинчиси – ғарб турклари ёки Туркия шеваси бўлиб, Фузулий ижоди орқали ўлкада тарқалган;

- Миллий Уйғониш даврига келиб кўп шоирлар ислохотчилик руҳи таъсирида мумтоз лириканинг жавҳари бўлган ишқ мавзусидан воз кечди, ўзларини «жадид» санаб, айна мавзудаги шеърларини ёндириб ташлади; ҳолбуки, бу асарлар санъат эътибори билан қийматли эди;

- “қадим” ва жадид, эски ва янги ўртасида қолган ўтиш даври шоирлари мумтоз адабиётдан бир йўла воз кечишдек хато йўлни тутди; янги адабиётни илдизларидан узган ҳолда яратиб бўлмади;

- янгиланиш аввалида эски шеърини шакллар, эски ифода тарзини қабул қилиш зарур, моҳиятда бўлса янги руҳ акс этсин;

- шоирлар янги дунёда ҳам ошиқдир, фақат маъшук энди миллатдир.

Давр танқидчилиги умумий манзарасига эътибор қилинса, бундай соғлом қараш, адабий жараённи тўла тасаввур қилиш Фитрат ва Вадуд Маҳмуд фаолиятидагина изчил кузатилади. Аммо бу соғлом назар рус ҳукумати ва улар таъсиридаги маҳаллий зиёлилар томонидан рад этилди.

Вадуд Маҳмуднинг Навоийга “тўғридан-тўғри миллатчи ва туркликни севатурғон бир шахсиятдир” дея қарашини, миллий ғурурига, миллий адабиётига эга авлодларни етиштириш истаги сабаб ҳам у 1927 йил 4-5 октябр кунлари Самарқандда ўтказилган қурултойда ҳайдаб чиқарилди.

Фитрат Навоий меросини тиклаш борасида жадидлар ўртасида ғоявий етакчи эди. “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1925 йил 12-сонида чоп этилган “Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида” мақоласида Фитрат биринчилардан бўлиб Навоийнинг форсий адабиётининг йирик вакили эканлигини чуқур илмий таҳлил қилиб беради. Мақолада “Мундан уч-тўрт ой бурунадабий текширишлар учун Самарқанддан Бухорога келган Вадуд Маҳмудийнинг ахтаришлари натижасида ўртоқ Мусо Саиджоновнинг хусусий кутубхонасида Навоийнинг форсийча девони борлиги онглашилди”, хабари берилди. Фитрат мазкур девоннинг икки нусхасини қиёслади. Иккинчи нусха Бухоро амирлиги қозикалони Муҳаммад Шариф Садрнинг бобосидан мерос жуда бой кутубхонасидан топилган бўлиб, Саиджонов кутубхонасидаги “Девони Фоний”нинг худди ўзи эканлигини аниқлайди. Фитрат мазкур “Девонни” Навоий услуби жаҳатидан тадқиқ этиб, унинг аслида Муҳаммад Муҳсин исмли киши қаламига мансублигини кўплаб далиллар билан асослайди. “Навоийнинг форсийча ҳақиқий девонини янгидан охтариш эса яна бизнинг вазифамиз”, дея белгилайди. Гарчи “Чигатой гурунги”

1921 йилда расман ўз фаолиятини тўхтатган бўлсада, Фитрат ва унинг издошлари, маслакдошлари, хусусан, Вадуд Маҳмуд Навоий асарларини шахсий кутубхоналар, маҳаллий аҳоли хонадонларидан излаб топиш, реставрация қилиш ва тадқиқ этишда давом этган. Аммо Навоий асарлари тадқиқи, қайта нашри масалалари ярим йўлда қолиб кетди. 1926, 1927 йиллардаги ўзбек зиёлилар курултойида зиёлиларни бўлиб ташлаш, ўзаро душманлик кайфиятини уйғотиш режаси амалга оширилдики, бу Навоий асарлари қайта нашрини жуда узоқ йилларга кечиктириб юборди.

Шундай шароитда ҳам Фитрат қайта-қайта Навоий меросига мурожаат қилди. 1926 йил чоп қилинган “Адабиёт қоидалари” кўлланмасида “Услуб” мавзусини тушунтирар экан, бир ижодкорнинг бошқалардан услуби билан ажралиб туриши ва айна пайт биргина ижодкорнинг ўзи назмий ва насрий асарларида айрича услуб кўрсатиши мумкинлиги, ижодкор услуби ва шахсияти бир-бутунликда намоён бўлишини уқтиради. Услуб тушунчасини англатишда Навоий ва Чўлпон шеърятини қиёслайди. Зеро Навоийнинг янги ўзбек шеърятидаги таъсири эндиликда Чўлпон ижоди орқали юзага чиқаётган эди: “Навоий услуби тизимда ҳашаматли бир оҳанг билан юрадир, сочимда эса оғирлашиб қоладир. Яна бироз ингичкарақ қарағанда, бир шоир услубининг асарнинг мавзуига кўра ўзгарганини ҳам кўрамай. Навоийнинг “Лайли-Мажнун”идаги ўйнаб-қайнаган услубини унинг “Лисон ут-тайр”ида кўриб бўлмайди. Бироқ бу ўзгаришлар (яъни асарнинг шакли ё мавзуига кўра бўлган ўзгаришлар) асосий эмасдир. Навоий ҳам Чўлпоннинг услублари тизим-сочимда ё мавзуига кўра ўзгармак билан уларнинг “ўзлик”ларини (шахсиятларини) йўқотмайди. Чўлпоннинг Чўлпонлиги, Навоийнинг Навоийлиги бу шоирларнинг тизим-сочим асарларида мавзу ўзгаришига қарамадан кўриниб турадир”. Фитрат, шунингдек, Навоий, Бобурдан то Муқимий, Камийларгача бўлган шоирлардаги куйидаги хусусиятларни санаб кўрсатади:

- эрон-ислом таъсири остида қолганди;
- эътиборни сиртдагина қурилган дабдабалар, ҳашаматларни севгувчи сарой-мадраса синфига қаратар эди;
- сарой-мадраса синфини ўқутғали ёзар эди.

Муаллиф бу ўринда эндиликда ижтимоий ҳаётдан, жонли тил муҳитидан узилиб кетган адабиёт ҳақида фикр юритмоқда. Зеро бу вақтга келиб адабиётнинг функцияси ўзгарган, у барча табақалар, ҳатто энг куйи бўғинлар ичига кириб бориши ва миллий уйғонишга олиб чиқиши керак эди. Юксак адабиёт, юксак идеал омма даражасига яқинлашиши зарур эди. Аммо Навоий

дахосига даҳл қилинмаслиги, халқ онгидан қатағон қилинмаслиги, миллий ғурур тимсолига айланиши керак эди.

Фитрат ўз илмий изанишларида ҳам Навоий тадқиқот ва тушунтириш йўлидан борди. Худди Навоийдек арузга доир рисола яратди. Навоий “Мезонул-авзон” рисоласида ўз даври учун вазн масаласини қандай ҳал қилиб берган бўлса, Фитрат 1936 йилда нашр бўлган “Аруз ҳақида” тадқиқотида бу вазифани даври нуқтаи назаридан адо этди. Мураккаб аруз системасини чирманда усулида тушунтирди, Навоий очиқ қолдирган бармоқ вазни масалаларига шарҳ берди.

Янги ўзбек шеърятининг тимсоли – Чўлпон ижоди ҳам мумтоз адабиётни чуқур ўзлаштиргани билан юзага чиққан. Адабиётшунос Н.Афоқова ёзади: “Ишқий ғазалиётни янгича руҳ билан бойитганлардан бири Чўлпон бўлди... Буни Чўлпоннинг бадий тафаккур тарзи ҳамда оламни бадий идрок ва ифода этиш принциплари билан боғлиқ деб қараш лозим”. Мазкур мақола доирасида Чўлпон ва Навоий мавзусига чуқур тўхталиш, шакл, мазмун, мавзу жиҳатларини изчил қиёслаш имконсиз. Бу ўринда биргина мисол билан чекланамиз. Чўлпон 1922 йилда “Уйғониш” номли илк муаллифлик китобини нашр эттирди. Шеърый китоб беш қисмдан иборат бўлиб, “Юрт қайғуси”, “Умид ва имон”, “Чўрилар учун”, “Сезгилар”, “Севги” фаслларига ажратилган. 1923 йилда чоп этилган “Булоқлар” иккинчи шеърлар китоби ҳам “Шарқ учун”, “Сезгилар”, “Севги”, “Қора йўллар”, “Қор қўйнида” номли беш фаслдан иборат. Чўлпон “Хамса”дек муҳрашам асарнинг кичик моделини бўлса-да яратишни кўзлаган, китоб мундарижасини шакллантиришда “Хамса” структурасига таянган, ўз “девон”ини шу тарзда тартиблаган. Аммо кейинги “Тонг сирлари” (1926), “Соз” (1935) китобларида бу тартиб кўринмайди. Умуман, 1926 йилдан Чўлпон ҳаётига нисбатан жуда катта хавф юзага келдики, бу ижодкорнинг эркин фикрлаши, ўз ғояларини тўла амалга оширишига имкон бермади. Аммо Чўлпон ўз даврининг Навоийси бўлиб қолди. Навоий туркий шеърятнинг соҳибқирони саналиб, ўзидан кейинги авлодларга мислсиз мактаб вазифасини ўтаган бўлса, Чўлпон янги ўзбек шеърятининг меъмори бўлди. Фитрат услуб борасида баҳс юритиб, Навоийга қиёсан Чўлпонни олар экан, ўз даврининг ягона лирик шоири бўлган Чўлпон бунга тўла ҳақли эди.

Умуман, миллий уйғониш адабиёти ўз қадини мумтоз адабиёт заминида туриб тиклади, Навоий сиймосига маёқдек интилди. Ибрат, Сўфизода, Ҳамза, Авлоний, Чўлпон мероси бунинг исботидир. Фитрат ва Вадуд Маҳмуд бўлса янги адабиёт остонасида Навоий меросини ўрганишга енгиб бўлмас зарурат борлигини илмий асослаб берди.

Адабиётлар:

1. Муҳаййир. Танланган шеърлар. – Тошкент: Фан, 1967. – Б.32.
2. Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. III китоб. – Тошкент, 1998.
3. Миллий ашъори Таржимон. Мажмуа. Ношир ва муҳаррир: Баҳромбек Давлатшоев. – Тошкент: Вақт типографияси, 1910. – 40 б. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи. Нодир қўлёзма, тошбосма ва босма асарлар. Инв №766/IV. Ўлчами 14,5x22. Муқоваси сариқ тусли қалин картондан.
4. Миллий шеърлар мажмуаси ёхуд адаби дин. Мажмуа. Мусаҳҳиҳ ва ношир: Ҳусайнхўжа бин Хонхўжа Мунавварқори бин Абдурашидхон. – Тошкент, 1912. – 29 б. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи. Нодир қўлёзма, тошбосма ва босма асарлар. Инв №453/II. Ўлчами 17x25,5. Муқоваси жимжимадор рангдаги қалин картондан.
5. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида сақланаётган тошбосма асарлар каталоги [Матн]. С.Ҳасанов, Ш.Ҳасанова, Ж.Жўраев [ва бошқ.]. – Тошкент: Фан, 2020. – Б.47.
6. Сабзор. Баёз. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Мунавварқори. – Тошкент: Ильин босмахонаси, 1914. – 49 б. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Шарқ қўлёзмалари хазинаси, асосий фонд, тошбосма. Инв №12891. Ўлчами 21x13,5. Матн ўлчами 11x18. Муқоваси оч яшил тусли картондан.
7. Каримов Н. ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999.
8. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
9. Маҳмуд Вадуд. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б.17.
10. Фитрат А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2009. – Б.19.
11. Афоқова Н. Жадид ғазалиёти. – Тошкент: Фан, 2005. – Б.14.